



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

6994 -son

Bog‘ot shaharchasi

И.Дўсов худудида фаолият кўрсатаётган “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалигига кўшимча узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

И.Дўсов худудида фаолият кўрсатаётган “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалиги бошлиғи О.Матниязовнинг фермер хўжалигига кўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. И.Дўсов худудида фаолият кўрсатаётган “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалигига И.Дўсов худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1435, 1436, 1437, 1969қ - контурлардаги умумий ер майдони 77,9 гектар, шундан 76,0 гектар ўрмонзор, 1,9 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик ва қўйчиликни ривожлантириш мақсадида кўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалиги бошлиғи (О.Матниязов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган И.Дўсов худудидаги 2001, 2002, 2006, 2007, 2013қ -контурлардаги жами 22,1 гектар, шундан 4,7 гектар қўллар билан банд, 0,5 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 16,9 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер

участкасига қўшимча И.Дўсов худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1435, 1436, 1437, 1969қ - контурлардаги умумий ер майдони 77,9 гектар, шундан 76,0 гектар ўрмонзор, 1,9 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 100,0 гектар шундан 4,7 гектар кўллар билан банд, 0,5 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 18,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси қолган (45 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “ХОФИЗКЎЛ” фермер хўжалиги бошлиғи (О.Матниязов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев.